

## ТАХМИНГА СУЯНГАН ҲУКМ

*Умримда пистолет ушлаган банда эмасман. Ота-онам умр бўйи далада кетмон чопиб, пахтага сув қуйиб биз ўн нафар болани тарбиялаб вояга етказганлар. Ошиб-тошиб ётган бойлигим ҳам йўқ эди. Хуллас, ҳаётдан, турмушимдан нолимай, кўпдан кам бўлмай тинчгина яшаётган эдим. Ўзим билан қурол олиб юришга ёки уйимда яширинча қурол сақлашга ҳеч бир зарурат, муҳтожлигим йўқ эди.*

2 -бет

## ҒОЯМИ ЁКИ МАФКУРА?

*Бизнингча, бу фаннинг номини "Мафкура" деб аташ балки тўғри бўлар... Ана шу умумий ном доирасида ўрта умумтаълим мактаблари, касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейлар, бакалавриат ва магистратура учун алоҳида-алоҳида ном билан ўқув дастурлари тайёрлаш, улар асосида ўқув қўлланмалари устида иш олиб бориш керак, деб ҳисоблаймиз.*

3 -бет

## КЕЛИНГ, ШЎХЧАН ТАБАССУМЛАР

*Яхши ният бирла тутсанг ошно айлар қалам,*
*Ошноки, бир умр сенга вафо айлар қалам.*
*Гар ўзин бағри сиёҳдир хизмати оқлик мудом,*
*Не зимистон дилни ҳам, бил пурзиё айлар қалам.*



4 -бет

Mustaqil gazeta

# HURRIYAT

1996-yil dekabrdan chiqa boshlagan

№8 (314) 2003-yil 26-fevral

**«Ҳуррият» сизники,**
**Сиз ҲУРРИЯТники бўлинг!**

Газетамизга обуна давом этмоқда.

**Нашр кўрсаткичимиз:**
**Якка обуначилар ва ташкилотлар учун — 233.**

Нигоҳ

# ТУГАЛЛАНМАГАН ПОРТРЕТ

**Озод ШАРАФИДДИНОВ**

Абдуқаҳҳор Иброҳимов адабиётга 60-йилларда драматург сифатида кириб келган эди. У йигирмадан ортиқ драматик асарлар ёзди — уларнинг кўпчилиги ҳажвий йўналишга эга бўлиб, шўро воқелигининг турли-туман нуқсонларини кескин танқид қилишга бағишланган эди. Бу асарларнинг деярли ҳаммаси ўзбек театрларида қўйилган ва томошабинлар ўртасида анчамунча муваффақият қозонган эди .Уларнинг бир қисми босилиб ҳам чиққанди, ҳатто Абдуқаҳҳор Иброҳимовнинг бир жилдлик драматик асарлари тўплами Москвада ҳам чоп этилган эдики, жуда катта муваффақият ҳисобланар эди. Хуллас, Абдуқаҳҳор Иброҳимов ўзининг истеъдоди ва самарали ижоди билан ўзбек драматургларининг пешқадамларидан бирига айланганди.



Кейинчалик эса-бунинг сабаби нимада эканини билмайман-драмалар ёзмай қўйди. Насрда ҳам қаламини синаб кўра бошлади, ҳатто битта-иккита ҳикоялар тўплами ҳам эълон қилинди. Мустақиллик йилларидан бошлаб эса Абдуқаҳҳор публицистика соҳасига ўтди — вақтли матбуотда унинг долзарб мавзуларда ёзилган кўплаб ҳароратли мақолалари пайдо бўла бошлади. Улар жуда муҳим аҳамиятга эга бўлди — бу мақолаларда мустақиллигимизнинг моҳияти тўғрисида, чинакам озодлик халққа қандай неъматлар бериши тўғрисида баҳс қиларди. У маънавият масалаларига бир қатор эсселар ва мақолалар бағишлади, ўзбек халқининг "титилиб, ўқилмас бўлган" тарихи тўғрисида ҳам теран мазмунга эга бўлган таъсирчан мақолалар ёзди.

Хуллас, мустақиллик йилларида фаоллик билан ижод қилган Абдуқаҳҳор публицистикасининг ривожига салмоқли ҳисса қўшди, унинг мазмундор мақолалари миллий тафаккурнинг ўсишида, миллатнинг ўзлигини танишида муҳим рол ўйнади ва шу йўл билан мустақиллигимизни мустаҳкамлаш ишига салмоқли ҳисса қўшди. Бу ўринда, айниқса, "Бизким ўзбеклар..." китобини алоҳида таъкидлаш лозим.

Китобда халқимизнинг олис ва яқин тарихига кенг назар ташланган, шўро замонида ўзбек тарихининг бузиб талқин қилинган саҳифаларини қайта ёзишга, адолат ва ҳақиқат нуқтаи назаридан қайта таҳрир қилишга уринган. Бу китобда Ўзбекистоннинг бетакрор миллий қиёфаси, ҳозирги тил билан айтганда менталитети, ҳақида ёркин фактлар асосида чуқур фикрлар айтилган. Хуллас, Абдуқаҳҳор Иброҳимов баркамол рассом янглиғ ўзбек халқининг бетакрор портретини чизишга интилиб, унинг фазилатларининг тарихий илдизларини очган. Бу китоб жамоатчилик томонидан илиқ кутиб олинди.

Мана энди қўлимизда Абдуқаҳҳорнинг янги китоби. "Миллат овози", деб аталган бу китобини "Шарқ" нашриёти 2002 йил январда чоп этган. Китоб 5 000 нусхада босилган — бугунги кунда бундай адад анчагина катта ҳисобланади. Китобдан юз ўгириб ўзини пулга урган одамлар ўртасида китобнинг мунча миқдорда босилиши катта гап — шунча китобнинг тарқалмоғи учун муаллифнинг китобхонлар ўртасидаги обрўйи катта бўлмоғи керак.

"Миллат овози" Ўзбекистон мустақиллиги тўғрисида баҳс юритадиган асар. Маълумки, мустақиллик ҳақида баҳс юритмоқ — ўзбек халқи ҳақида, унинг мустақиллик йўлидаги мардона курашлари ва бугунги фидокорона меҳнати ҳақида баҳс юритишидир. Бу тўғрида ёзмоқ — ўн-ўн бир йил ичида ўлкамиз қиёфасининг муттасил ўзгариб бораётгани, бу юртнинг навқирон тус олаётгани, мислсиз қурилишлар, осмонўпар бинолар, турли ўқув юртлари, фаровон турмуш учун заруp бўлган иншоотлар ҳақида ёзмоқ демакдир. Бу ўзгаришлар ҳақида ёзмоқ эса муқаррар тарзда Президентимиз Ислом Каримовни тилга олмоқ, унинг серқирра, жўшқин ва фидойи меҳнати, кураши ҳақида ҳикоя қилмоқ демакдир. Негаки, шу қисқа муддат халқимиз, юртимиз нимагаки эришган бўлса, Юртбошимиз раҳнамолигида, унинг ташаббуси ва шижоати, ғайрати ва толмаслиги билан эришди. Шунинг учун ҳам халқимиз чуқур бир эҳтиром ва ифтихор билан И.Каримовни "истиқлолимиз меъмори", деб атайди.

Табиийки, ватанимиз, халқимиз, Президентимиз ҳақида қалам тебратмак бағоят шарафли ва олийжаноб иш айни чоғда, ўта масъулиятли ҳамдир. Бундай асарда ҳар жумла пухта ўйланган, ҳар бир фикр қиёмига етказилган, услуб жарангдор ва тиниқ бўлмоғи керак.

Унда айниқса, меъёрга алоҳида аҳамият бермоқ лозим. Унинг жиндайгина бузилиши ҳам китобхон қалбида қоникмаслик туйғуларини уйғотиши мумкин. Айтмоқ керакки, Абдуқаҳҳор Иброҳимов китобида бу масъулиятни тўла тушунган ҳолда қалам тебратган, шу улуғ мавзуларга муносиб асар яратишга интилган. Бу интилиш эса кўпгина ҳолларда муваффақиятли чиққан.

Китоб йигирма бир бобдан иборат. Уларнинг ҳар бири истиқлол мавзуининг бирор қиррасини мароқли тарзда очиб беради. Масалан, "Башорат" деб аталган иккинчи бобда мустақилликдан салкам 30 йил аввал Тошкент маҳаллаларида бўлиб ўтган йиғин ҳақида ҳикоя қилинди. Унда таниқли арбоб Алихонтўра Соғуний иштирокчилардан бирининг саволига жавоб бериб, рамзий тарзда вақтисоати келиб Ўзбекистоннинг мустақилликка эришишини башорат қилган экан. Шу воқеани ҳикоя қилиш йўли билан Абдуқаҳҳор Иброҳимов халқимиз қалбида озодлик иштиёқи, мустақиллик орзуси кўпдан бери яшаб келаётганини, мустақиллик кўп замонлардан бери халқнинг энг ардоқли орзуси бўлиб қолганини кўрсатади.

Худди шунингдек, бошқа ўринларда ҳам бобнинг кириш қисмида мавзу билан боғлиқ тарихий чекинишлар қилади. Мулоҳазалар юритади. Бугунги воқеанинг илдизини очиб беришга интилади. Жумладан, унинг Тошкент тарихи билан боғлиқ мулоҳазалари, тошкентлик айрим хонадонлар ва машҳур кишилар тарихи билан боғлиқ гаплари катта қизиқиш билан гапирилади. Баъзан эса тарихга оид баъзи бир ғаройиб фактлар ҳам келтириладики, улар ўзининг янгилиги билан муҳим аҳамият касб этади. Жумладан, маънавий масалалар билан боғлиқ равишда мулоҳазалар юритар экан, муаллиф уламо Жалолиддин Румийнинг ота-боболари Туркистон билан, Хоразм билан боғлиқ бўлганини ишонарли кўрсатиб беради. Китобга ўқувчига янгилик берадиган, уни ўз халқининг

*(Давоми. 4-бетда).*





## Шуурга сочилган ҳайратлар

*Оқшомда чарх уриб қор ёғди,*
*Қоронғу чулғанди оқ нурга.*
*Самодан кун билан тун оқди,*
*Ҳайратлар сочилди шуурга.*

*Қор тинди. Туманда ой сузди.*
*Ҳавода муаллақ қолди шом.*
*Шу куни тун бўйи кифтида*
*Кундузни кўтариб чиқди том...*

**Абдуғани ЖУМАЕВ фотолавҳалари**

# ҒОЛИБЛИК МУБОРАК, АЗИЗ ИЖОДКОРЛАР!

*Ўзбекистон Маданият ишлари вазирлиги, Ёзувчилар уюшмаси, "Соғлом авлод учун" жамғармаси, Бадиий академия, Бастакорлар уюшмаси, Матбуот ва ахборот агентлиги, Оммавий ахборот воситаларини демократиялаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий жамғармаси ҳамкорликда эълон қилган*

**«ҚАРИЯЛАР — ЮРТ КЎРКИ, ЗИЙНАТИ»**

*танлови ҳайъати ғолибларни аниқлади:*

**«ЭНГ ЯХШИ АДАБИЙ АСАРЛАР»**

| | |
|---|---|
| **Пиримқул ҚОДИРОВ,** | "Она лочин видоси" тарихий романи |
| **Шойим БЎТАЕВ,** | "Шоҳона совға" қиссаси |
| **Собир ЎНАР,** | "Чавандознинг ори" эссеси |

**«ЭНГ ЯХШИ САНЪАТ АСАРЛАРИ»**

| | |
|---|---|
| **Икром АКБАРОВ,** | "Нақшбандий" ораторияси ва "Жалолиддин Мангуберди" операси |
| **Усмон АЗИМ,** | "Бир қадам йўл" драмаси |
| **Алишер АЛИҚУЛОВ,** | Ўзбекистон тарихи давлат музейида яратилган "Темурийлар даври ренессанси" ва "Истиқлол фидойилари" диптих монументал асарлари |

**«ЭНГ ЯХШИ ПУБЛИЦИСТИК АСАРЛАР»**

| | |
|---|---|
| **Исмоил СУЛАЙМОНОВ** (марҳум), | "Эл ардоғида" китоби |
| **Маҳмуд АБУЛФАЙЗ,** | Матбуотда эълон қилинган туркум мақолалари |
| **"СОҒЛОМ АВЛОД"** газетаси, | "Қариялар йили" мавзусидаги чиқишлар |

## "Ҳуррият"ни самода ҳам ўқишмоқда



**2003 йил давомида «Ҳуррият» «Ўзбекистон ҳаво йўллари» авиакомпанияси самолётларида йўловчиларнинг энг яқин ҳамроҳи бўлади.**

## МИЛЛИЙ ОЛИМПИЯ ҚЎМИТАСИНИНГ ЯНГИ РАҲБАРИ





Тошкентда Миллий Олимпия қўмитаси Бош ассамблеясининг мажлиси бўлиб ўтди.

Унда Ўзбекистон Бош вазирининг ўринбосари Ҳ. Кароматов иштирок этди ва миллий спортни ривожлантириш, шунингдек олимпия заҳираларини тарбиялашни янада яхшилаш юзасидан ҳукумат кўраётган чора-тадбирлар, юртимиз спорти шарафини юксалтириш, соғлом авлодни вояга етказишда қилиниши лозим бўлган муҳим масалаларга эътибор қаратди.

Мажлисда ташкилий масала кўрилди. Азиз Носиров Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси раҳбари этиб сайланди.

Мажлисда шунингдек, қўмитанинг раҳбар органлари таркибига ўзгартишлар киритиш ва унинг янги уставини ишлаб чиқиш юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Мактуб

# БИР АКЦИЯДОР НЕЧА ОВОЗГА ЭГА?

***Саволга жавоб топиш қийин кечмоқда***

Мен бу мактубни яқинда бўлиб ўтган мамлакатимизнинг. 2002 йилги иқтисодий кўрсаткичлар якунларига бағишланган йиғилишни ТВ орқали кўрганимдан кейингина ёзишга қарор қилдим. Очиғини айтганда, бир оз зада бўлган кўнглимда яна умид учқуни пайдо бўлди, мулкдор, яъни акциядор сифатида ишончим тағин ортди.

- ***Акциясиз акциядор ташкилот***
- ***Алиев "Волво"ни "ГАЗ-3110"га алмаштирди***
- ***Истиқбол режаси — мақсадми ё манфаат?***
- ***Суддан умидимиз катта эди***

Акциялар билан боғлиқ бўлган "можаро"ларнинг анча муддатдан буён давом этиб келаётганини ҳисобга олиб, уни ётиғи билан ёзишга ҳаракат қилдим.

Сурхондарё вилояти ҳокимлиги ҳузурида 1998 йилнинг июн ойида "Бозор" очиқ турдаги акциядорлик уюшмаси тузилганди. Орадан роппа-роса икки йил ўтгандан кейин мазкур уюшма "Бозор" очиқ турдаги акциядорлик жамиятлари фаолиятини мувофиқлаштириш бирлашмасига айлантирилди. Шу ўринда газетхонда ҳақли саволлар туғилиши мумкин: акциядорлик жамиятларининг ўзлари таркибий жиҳатдан юридик ва жисмоний шахслар томонидан таъсис қилинган хўжалик бирлашмаси-ку, шундай экан яна қандай бошқа бирлашма ёки уюшма уларнинг фаолиятини мувофиқлаштиради? Бордию, бир нечта акциядорлик жамиятларини бирлаштириш зарурати туғилиб қолса, амалдаги қонунчиликка мувофиқ бу масала мазкур жамиятлар акциядорларининг қўшма умумий йиғилиши қарори билан амалга оширилмайдими? Лекин Сурхондарёда ҳеч кимда бундай саволлар туғилмаган, "замона зўрники" халқ мақолига амал қилинган кўринади. Чунки биз юқорида тилга олган уюшма, кейинчалик бирлашмани тузиш ва уларнинг Низомини қабул қилишда акциядорлик жамиятлари акциядорларининг умумий йиғилишига ҳеч қандай "ҳожат" туғилмади. Энг қизиғи уларнинг ҳар уч Низоми ҳам вилоят ҳокимлиги Адлия бошқармаси томонидан рўйхатга олинди.

Яна бир қизиқ ҳолат шундан иборатки, амалдаги қонунчиликка мувофиқ ҳар қандай хўжалик бирлашмаси акциядорлик жамияти мақомини олиши учун ўз акцияларини чиқариши зарур бўлади. Лекин биз гапираётган "уюшма" ва "бирлашма" эса аввал ўз акцияларига эга бўлиш ўрнига кузатув кенгаши, бошқарув аъзолари ҳамда унинг раисини сайлашга киришиб кетдилар. Бу билан улар вилоятнинг шаҳар ва туманларидаги бозор акциядорлик жамиятлари акциялари ҳамда кузатув кенгашларининг қонун билан белгилаб қўйилган ҳақ-ҳуқуқларини узурпация, яъни ноқонуний тарзда ўзлаштириб олдилар.

*(Давоми. 2-бетда).*

Хабарлар

## АҲОЛИГА ҚУЛАЙЛИК

"Обод маҳалла йили" хайрли келди: Тошкентдан Самарқандга электропоезд қатнай бошлади. "Ўзбекистон темирйўллари" компаниясига қарашли Тошкент йўловчилар ташишни ташкиллаштириш бошқармаси томонидан йўлга қўйилган мазкур қатновдаги "электричка"лар барча қулайликларга эга: биринчи вагонда буфет бор, қолган вагонларда эса телевизор, видеоқурилма, иситгич, совутгичлар мавжуд. Йўловчиларни пойтахт Тошкентдан рўйи замин сайқали — Самарқандга атиги беш соатда элтиб қўяётган тезюрар поезд Жиззах ҳамда Гулистон шаҳарларида тўхтаб ўтади.

**У.ХЎЖАНИЁЗОВ,**
**Самарқанд.**

## «ОГОҲ»НИНГ ЮЗИНЧИ СОНИ

Тошкент шаҳар Ички ишлар Бош бошқармаси нашри – "Огоҳ" газетаси шаҳримизда тинчлик ва осойишталикни мустаҳкам сақлашга бел боғлаган қонун ҳимоячиларининг ўзига хос кўзгусидир. Ўн мингдан зиёд нусхада чоп этилаётган ушбу газета саҳифаларида шаҳар Ички ишлар Бош бошқармаси томонидан амалга оширилаётган хайрли ишлар, тадбирлар, соҳа ходимларининг фидокорона меҳнатлари, турли жиноятларнинг олдини олиш борасида қилинаётган саъй-ҳаракатлар ҳақида кенг ёритилмоқда.


ОГОҲ
МИНГ БИР ФИРИБ

Фуқароларнинг ҳуқуқий билим ва савияси қанчалик юқори бўлса, жамиятда демократия, қонун устуворлиги ҳам шу қадар юксак даражада бўлади. Ҳаёт кафтдек текис эмас. Нур бор жойда соя бўлгани мисол улкан шаҳримизнинг қайсидир ковакларида жиноий хатти-ҳаракатлар ҳам учраб турганидан кўз юма олмаймиз. Бу борада "Огоҳ"нинг одилона чиқишлари эътиборга моликдир. "ИИББ қўриқлаш хизмати фош этади", "Фирибгарлар ва лақмалар", "Огоҳ" огоҳлантиради", "Огоҳ"нинг ҳуқуқий маслаҳатхонаси", "Огоҳликка даъват", "Олов тилсиз ёв", "Жиноят хабарлари", "Одамлар ва тақдирлар" каби рукнлар остида ёритилаётган қатор хабар, репортаж, танқидий мақола ва бошқа материалларда айнан шу мавзулар баҳоли қудрат ёритилаётир.

Газетанинг ҳар бир сони ўзига хос муҳим қадам ҳисобланади. "Огоҳ" ҳам 100-сонини ўз муштарийларига туҳфа этган экан, унинг ҳамиша юзи ёруғ, номига яраша – огоҳлик чироқи бўлиб қолишига тилакдошмиз.

**Тўлқин ЭШБЕК**

## АФҒОН ЁШЛАРИГА КЎМАК

«Бунёдкор ёшлар» телеклубида бўлган навбатдаги учрашувда телеклуб аъзолари ташаббуси билан илгари сурилган афғон ёшларига моддий кўмак бериш ҳамда уларни қўллаб-қувватлаш ғояси атрофлича муҳокама қилинди.

Тадбир иштирокчилари бу борада ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришиб, уни амалга ошириш имкониятларини излаб топиш хусусида тўхталдилар. Ўз навбатида телеклуб аъзоларининг фикрлари ҳам тингланиб, тегишли вазифалар белгиланди. Ўзаро суҳбат давомида афғон ёшларига кўрсатилаётган бундай беминнат туҳфалар Наврўз байрами арафасида юборилиши келишиб олинди. Ва бу хайрли ишларни ёшлар орасида кенг тарғиб қилиш телеклуб аъзолари зиммасига юклатилди.

**Абдисамад МЕҲМОНОВ,**
**ЎзМУ журналистика факултети толиби.**

Жараён

# "ПРЕСС — МАДАД" ҲАРАКАТДА

Хоразмда вилоят оммавий-ахборот воситалари ва унинг моддий-техник ҳамда илмий соҳалари ходимларини қўллаб-қувватловчи "Пресс—мадад" марказининг иш бошлаганига ҳали кўп бўлгани йўқ. Умуман нодавлат ташкилотлари, соҳаларга оид турли марказларнинг ташкил бўлаётгани ва тезкор фаолиятга киришиб кетиши бугунги кунда юртимизда рўй бераётган демократик ўзгаришларнинг ўзига хос натижасидир.

"Пресс-мадад" маркази ўз олдига асосий мақсад қилиб вилоятда фаолият кўрсатаётган оммавий ахборот воситалари ва шу соҳаларга хизмат қилаётган корхона ва ташкилотлар ходимларининг касб малакасини ошириш, ахборот ва ахборот воситалари билан таъминлаш, замонавий журналистика илми ва амалиётининг вилоятда кенг ёйилишига кўмаклашиш, шу соҳаларда фаолият олиб бораётган муҳандис-техник ходимларнинг ҳозирги замон матбаа-ноширлик, теле ва радио эшиттириш техникаси воситаларини бошқаришини пухта эгаллашлари учун ғамхўрлик қилиш, соҳа ходимларини ижтимоий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, ушбу ниятга эришиш учун қайта тайёрлаш, малака ошириш клуби ва тўгаракларини ташкил қилиш, келгусида соҳада ишлаш учун иқтидорли ёшларни танлаш, уларнинг юртимизда ва чет мамлакатлардаги тегишли ўқув юртларида таҳсил олишига кўмаклашиш каби ғоятда кенг миқёсдаги вазифаларни қўйган.

Ўтган даврда марказ иқтисодий ва ҳуқуқий мавзуларда ёзадиган журналистлар учун семинарлар ташкил қилди. Семинарларда соҳа мутахассислари ўз тажрибаларини ўртоқлашишди, фикр-мулоҳазалар тингланди, амалий тажрибалар алмашилди. Ёки марказ қошида "Журналистлар" ҳамда "Ҳамкор" клубларининг иш бошлаётгани ҳам айни муддао. Негаки, истиқлолдан сўнг вилоятда чоп қилинаётган вақтли нашрлар сони бир неча марта ўсди, журнал чоп қилина бошланди, нашриёт фаолият кўрсатмоқда.

"Пресс-мадад" маркази ташкилотчиси — таниқли журналист Абдулла СОБИРОВ фикрича :"Қисқа фурсатда амалга оширилган ишлар ҳали дебоча. Кенг миқёсдаги фаолият энди бошланяпти".

Вилоятда фаолият кўрсатаётган янги марказнинг обрўси ошиб бораётганини унга аъзо бўлаётганларнинг сони тобора кўпаяётгани ҳам кўрсатади.

**Рўзимбой ҲАСАН,**
**Хоразм вилояти.**

